



# «I love Uzbekistan!»

ёки Ватанни инглизча севиш керакми?

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ



# ЖАМИЯТ

№ 24 (660)  
2019 йил  
28 июнь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета



2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган



www.bong.uz



jamiyatgzt@mail.ru




«Бу уйда  
яшагандан  
кўра, **6-с.**

**етимхонада яшаганим  
яхшимасми?»**



«Ваъдалардан  
чарчадик»  
**7-с.**

*Бир ой ун ололмай, нонни дўкондан қарзга олиб еганимизни сиз тушунармидингиз!? Ҳозирги кунда дўкондан, электрдан қарзимиз, тўламасак, эрта-индин узишади. Солиқдан 300 минг сўм қарзимиз «пеня» туғиб ётипти, айтингчи, мен қандай ўқишни ўйлашим мумкин?*



**Н**ега ер ости-ер усти бойликлари йўқ, ери бизникининг ярмича келмайдиган, гуручдан бошқа нарса ўсмайдиган, аҳолиси эса биздан икки баробар кўп бўлган Корея дунёнинг олди иқтисоди бўлиб турибди?!



**4-5-с.**

**Она Ватан «кўкрагидан айрилолмаётган» иқтисод**

**ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИНГ!**

Пойтахтимизда 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг журналистларга йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди.

# Мажбурий ижро бюросидан

**Ижтимоий тармоқларда МИБ ходими дўппослангани, жароҳат етказилгани ва ҳатто, тан жароҳати етказилиши оқибатида ҳаётдан кўз юмгани ҳақидаги хабарларни ўқиб қолсам, хайрон бўлардим. «Тўловларни вақтида амалга ошириб қўйган одамга МИБ мурожаат қилмайди. Тўлаб қўйгинда, маза қилиб яша. Бечора давлат хизматчисининг айби нима?» деб ўйлардим.**

Яқин кунларнинг бирида ишдан келсам, қизим бир шاپалоқ қоғоз берди. Қарасам, электр токидан қарздорлик аниқланибди. 200 киловатт ортиғи билан тўлаб келганимга ўн кун бўлгани йўқ... Тўлов қоғозини олиб чиқиб, ток ҳисоблагичга солиштирдим. Ҳаммаси жойида. Хайрон бўлиб, турмуш ўртом ишдан келиши билан «янгиликни» суюнчиладим. У киши ҳам туфлисини қайта ки-

## норозилар кимга мурожаат қилсин?

йиб, счёчикдаги кўрсаткични текшириб келди. Ўтириб олиб қоғозларга солиштирди. Хуллас, эртаси куни охириги тўлов қоғози ва МИБнинг хатини ўғлимга тутқаздим:

— Сен ҳам паспорт олдинг. Бирор ишни қойиллат қани. Яшнобод тумани МИБга бориб, бизда қарздорлик йўқлигини айтиб келасан, — дедим. У шашт билан уйдан чиқиб кетди. Ишга келиб тушга яқин ўғлимга кўнгироқ қилдим.

— Ойи, бизга ўхшаганлар кўп экан. Навбатда турибман, ҳали кира олмадим, — деди у. Кечқурун уйга келсак, ўғлим шаштидан тушганди.

— Биз 2012 йилдан бери тўлаган қоғозларимизни олиб бориб исботлашимиз керак экан. МИБга келганларда 5-6 йил олдинги қарзлар кўтарилиб, уйларига қайтишипти. Барибир қоғозда кўрсатилган суммани тўлашимиз керак бўлар экан, — деди.

— Ўғлим, уйда 2006 ва ундан олдинги тўлов қоғозлари ҳам сақланади. Эртага ўзим бораман, — дедим.

Хуллас, мен ҳам шашт билан

билан Яшнобод тумани МИБга кириб бордим... Беш-олти одамдан сўнг навбатда турдим. Одамлар деярли бир хил шикоят билан келишган. Ҳаманинг қўлида тўлов қоғози, компьютер эса бошқа нарса дейди...

— Мен электр тизими билан жиҳозланган коммунал уйда тураман, — дейди бир «бабуля». — Газ йўқ. Электр плитада овқат қилишим керак. Менга МИБ қоғоз ташлаб кетган экан. Қарздорлигим бўлмаса, нимага бораман, дея келмагандим. Кеча кечқурун электрдан узиб кетишибди. Кечадан бери чой ҳам ичганим йўқ...

— Эсидан оғиб қолган компьютер (сумашедший компьютер) менда ҳам қарздорлик чиқарибди. Янги уйга кўчиб ўтиб, эски қарзларни ёшиб бўлиб, энди хотиржам яшайман, дегандим, — жаврайди бошқаси.

Ичимда булар бунча кўп гапирар экан-а, ҳамма иш ичкарида ҳал бўлса, ўзи ҳавоси йўқ коридорда дод-войнинг нима фойдаси бор, деб ўйладим. Шунда яна бир хотин уларнинг гапига аралашди:

— Ҳали илгари тўлаган пулларингни бугунги ҳисобда тўлаб, МИБга раҳмат айтиб чиқиб кетасизлар. Барибир тўлатадилар, бошқа иложи йўқ!

— Нима учун ҳам олдин, ҳам бугун тўлар эканмиз, қўлимизда тўлов қоғози турган бўлса...

— Шунақа, мен ҳам уйимизга электр тармоқлари корхонасидан келган инспекторга пул тўлаб чекни йиғаверганман. У бошқа ҳисоб-рақамга тушираверган. Мана, қарз-

дор бўлиб чиқиб, тўладим-ку... Пенсия пулларимни «нима қилишни билмаётгандим», жойи чиқди.

Хуллас, навбатим келди. Ўзини Отабек деб таништирган ходимнинг ёнига ўтириб, МИБнинг хатини ва ҳар йили тўлаган қоғозларимни унинг олдига тартиби билан тахладим. У ҳар бир чекни компьютерга солиштириб, ҳисоблайверди. 2012 йил 23 август куни тўлаган 307 киловатт, яъни ўттиз минг сўм ҳисоб-рақамимизга тушмаган. Бугунги кунда етмиш тўққиз минг сўм бўлар экан! Ана томоша. Қанақа ходимлар ишлаган. Оммавий бошқа ҳисоб-рақамларига адаштириб, одамларни сарсон қилиб.

— Мажбурий ижро бюроси шунинг учун ташкил этилди. Биласизми, шунақа адаштирилган туфайли жуда катта қарздорликлар аниқланяпти. Озгина пул экан, тўлаб қўяверинг, — деди ходим.

— Етмиш тўққиз минг сўм Сиз учун озгина пулдир. Мен учун озгина пул эмас, — деди йиғламоқдан бери бўлиб. — Бўлмаса, туман электр тармоқлари корхонасини судга берайми?

— 2012 йилда ишлаган ходим бўшаб кетган бўлса, улар қаердан топади. Барибир тўлашингизга тўғри келади. Судга бериб, югур-югурга бундан ҳам кўпроқ пулингиз, асабингиз кетади.

— Агар мен бир ўзим бўлсам ҳам майли. Эшикда қанча кексалар, ногиронлар ўтирибди. Аксариятимизда муаммо бир хил.

— Яхшиси, электр тармоқлари корхонасига бориб учрашиб кўринг.

Мухтор Ашрафий кўчаси-

да жойлашган Яшнобод тумани электр тармоқлари корхонасига бордим. Оксана деган қизга учрашим керак экан. Уни тушликдан қайтишини кутдим. Оксана менга жорий йилда адашиб, бошқа ҳисобга ўтган, ортиқча тўлаб юборилган каби чалқашликларни ҳал қилишини, бу иш билан фақат МИБ шугулланишини айтди. Корхонага тегишли халқ қабулхонасининг эшиги берк. Камига телефон ва бошқа ускуналар билан кириш тақиқланади, деб ёзиб қўйилган. Кун кечга яқинлашгани учун уйга қайтдим. Яна бир кунини МИБга бағишладим. Улар мен пул тўлаган Ипотека банкнинг Меҳнат филиалига мурожаат қилишимни, банк меморандуми қилиб берса, олиб келишимни айтишди. Эринмай, «Ипотека банки қаердасан?», деб йўлга чиқдим. Банкнинг меҳнат филиалида М.Абдуллаев деган йигитга арзимни айтдим. У менга бир даста ариза кўрсатди. Ҳаммаси менинг шикоятим билан ўхшаш.

— Сиз ҳам ариза қолдингиз, деди. Аризмага банк уч йилдан олдинги тўловларга банк меморандуми қилинмаслиги тўғрисида жавоб олдим.

Хуллас, мажбурий ижро бюросига раҳмат! Қанчадан-қанча қарздорликларни аниқлаб, бартаф йезипти. Лекин мендек пулни тўлаб, хотиржам яшаган, йиллар ўтиб яна қарздор бўлиб чиққан айбсиз айбдорлар қаерга борсин? Тизим етти-саккиз йил олдинги қарзларни аниқлашни йўлга қўйибди. Нега аввал тўланган-у, аллақайси ҳисоб рақамларида адашиб юрган пулларни ўрнатиб қўйишни шакллантирмаган? Энди бир дўстимнинг насихати билан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бюросига бормоқчиман. Мендайларга омад тилаб туринг!

Манзура ШАМС



**Б**утун юртимиз бўйлаб урфга кириб улгурган «I love Uzbekistan!» деб ёзилган, аслида «love» сўзи ўрнига юрак тасвири туширилган лавҳа давлат ва жамоат ташкилотлари, идоралар, йўллар, кўйинги, кўплаб жойларда ўрнатилгани жамоатчиликни ажаблантирмоқда. Аслида, бу каби ёзувларни ўрнатиш шартми? Бу ёзувларнинг ўрнига она тилимизда «Мен сени севаман, Ўзбекистон!» ёки «Сени севаман, Ўзбекистон!» деган ёзув ўрнатилса, бўлмайдими?!

Сирдарё вилоятида ҳам инглизча сўзлар битилган лавҳаларни ўрнатиш «мода»га айланди. Бу каби ёзувларни кўриб, ўйлайсан киши: ватанпарварликни шундай шаклу шамоийда тарғиб этамизми? Тасаввур қилинг, юртимизга ташриф буюрган хорижий меҳмон бу ёзувларга кўзи тушса, нима деб ўйлайди?! Бу ўз тилимиздан воз кечиб, уни бошқа тил билан осонгина алмаштириш дегани эмасми? Ёки ўз она Ватанимизни севишимизни ажнабий тилда айтишимиз шартми? Бундай ёзувлар, лавҳаларга ружу қўяётган шахслар Ватанимизни давлат тилида сева олмайдиларми?! Аслида, Она тилини севай туриб, Ватанни севиб бўладими?

Бугун хорижий тилларни ўрганишга жиддий киришганимиз рост. Бу давр

талаби эканини ҳам барчамиз яхши англаймиз. Шу билан бирга, чет тилларини ўрганиб, юриш-туришимиз,



гап-сўзларимиз ҳам ўзгариб бормоқда. Хорижий тилларни ўрганиш инсон миллий ўзлигини кечиб юбориши керак, дегани эмас. Ўнганга тил ўрганганда ҳам ватанпарварлик ҳисси юракда аба-

дий яшамоғи шарт. Аслида, бошқа тилларни билишимиз ҳам Ватанга хизмат қилиш учун керак.

Ватанга муҳаббат изҳори «I love Uzbekistan!» деб битилган лавҳани хорижий тилда

## «I love Uzbekistan!» ёки Ватанни инглизча севиш керакми?

ёзиб қўйиш билан белгиланмайди. Назаримда, бу ёшлар орасида нотўғри талқинни кучайтиради холос. Негаки, юрак тасвири ватанпарварлик маъносидан кўра, инсонлар ўртасидаги сеvgи ва муҳаббат туйғуси рамзи экани ҳақиқатга яқинроқ. Шунингдек, бу тасвир нафақат ёшларнинг фикрини чаплагани, балки оммавий маданият тарғиботига ҳам хизмат қилади.

Ўзи билладиган, ҳар куни қўллайдиган тилдаги ёзувни кўриб, ҳеч бир хорижий ҳайратланмайди. Аксинча, ҳайрон қолиши, эҳтимол истеҳзо билан қарashi мумкин. ОАВда баъзи зиёлилар бу ҳолат, аслида, бизнес мақсадлари билан боғлиқ, деган фикрни ҳам билдиришди. Балки бу гапда ҳам жон бордир. Ҳар ҳолда юзлаб, минглаб

бундай лавҳаларни тайёрлаш учун озгина маблағ сарфланмаса керак?! Бу маблағлар, табиийки, сиз билан бизнинг чўнтагимиздан кетади. Яна ҳам аниқроқ айтганда, давлат бюджетидан жетидан сарфлангани аини ҳақиқат. Ваҳоланки, бюджет маблағи сизу биз тўлаётган солиқлар ҳисобидан шаклланади. Энди бир мулоҳаза қилиб кўрайлик: халқнинг пулини бу каби керак-нокерак нарсаларга совуриш, тўғрими-кан?

Ҳақиқатдан ҳам, бундай ёзувлар Ватанни севишга ўргатиши аниқ бўлса, майли, уни ўзбекча ёзайлик. Юрак сурати ўрнига миллий рамзларимиз сурати акс этган лавҳалар билан безатсак, нур устига аъло нур бўлар эди. Ўсиб келаётган ёш авлод вакиллари ҳам бу ёзувлар орқали Ватан, муқаллас бурч, миллий қадрият каби тушунчаларни янада теранроқ англайди.

Меҳринисо БОБОНАЗАРОВА,  
«Адолат» СДП Сирдарё вилояти  
кеңашчи матбуот котиби



Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 25 июнь куни «Халқаро меҳнат ташкилотининг 1930 йилдаги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-сонли Конвенциясига Баённомани ратификация қилиш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди.

# Ишончни оқламаган чўпон

**Баҳорнинг биринчи кунлари эди. Бўстонликнинг азим тоғлари қиш уйқусидан ҳали уйғонмаган, қирларда сурувлар ортида юрган чўпонлардан бошқа ҳеч ким кўринмайди.**

— Нурлан оғадан йиқилиб қўлини синдириб олибди. Энди қўйларни ўзинг боқасан, — деди Абдуғаффор фермер қора молларга қараб юрган Адҳамни ёнига чақириб. Сўнг унга 525 бош қўйни санаб топширди. Кета туриб «Адҳам, сенга ишондим, уялтирмасан» деди.

Бўстонликда Абдуғаффор фермерни (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ишнинг кўзини биладиган одам сифатида танишали. Куз кунларининг бирида, аниқроғи 2018 йилнинг сентябрида унинг олдига ҳамқишлоғи, хурмача қилиқлари билан танилган Адҳам Турдиев иш сўраб келади. 26 ёшли Адҳам уч марта судланиб, умрининг анчагина қисмини панжара ортида ўтказганлардан бири. Фермерга учрашган пайтида ҳам унга суд қарори билан уч йилу уч ой муддатга озодликни чеклаш жазоси белгиланган эди.

У фермерга ҳаётда кўп алашгани, энди тазарру қилганию одамга ўхшаб яшмоқчи эканини тушунтирган бўлди. Гапнинг охирида «Ака, биласиз, шаҳарга ишлагани борай десам, рух-



сат йўқ. Шунга фермангизда ишласам» деди.

Начора, «Йигитга имконият бериш керак». Қолаверса, хўжаликка чўпон ҳам зарур. Фермер рози бўлди.

Чўпон таёғини қўлига олганга олти ой ҳам бўлмай, Адҳам эски одаларини кўмсаб қолди. «Бир сурув қўй. Орасидан беш-ўнтасини пуллаб юборсам, фермер билиб ўтирибдими?» Режасини пишитиб, эски

танишларига телефон қилиб чиқди. Акрам деган танишидан хондайликлик Ориф деган чўпон йигитнинг телефон рақамини олиб, унга чиқди. «30-40 бош қўйим бор, шуни ўзингникиларга қўшиб боқиб бер...»

Хуллас, Адҳам эртасига унга қўйларни етказадиган, Ориф боқиб берадиган бўлди. Айтилган куннинг эртасига Адҳам сурувдан 38 бош совлиқни ажратиб олиб, танишининг олдига солиб юборди. У эса қўйларни Ориф қўй боқиб юрган яйловга ҳайдаб кетди.

Шу орала, сурувдан хабар олгани яйловга Абдуғаффор фермер келиб қолди. Қўйларни қайта-қайта санокдан ўтказишса ҳам 38 бош қўй кам чиқарверди. Адҳам ҳам, Нурлан оға ҳам «билмайман»дан нарига ўтмади.

**Шу орала, сурувдан хабар олгани яйловга Абдуғаффор фермер келиб қолди. Қўйларни қайта-қайта санокдан ўтказишса ҳам 38 бош қўй кам чиқарверди. Адҳам ҳам, Нурлан оға ҳам «билмайман»дан нарига ўтмади.**

— Гап бундай, — деди фермер икки чўпонни олди-га. чорлаб, — ҳозирча, милицияга ариза бермай тураман, агар шайтон йўлдан уриб, шу ишни қилган бўлсаларинг, жойига қайтаринглар. Гап ўртамизда қолади. Бўлмаса, бошқача гаплашаман».

Фермер шундай деб ортига қайтди. Йўлда ўйлаб кўриб, вақтни бой берса, кўп нарса йўқотишини тушунди. Ахир, 38 бош қўй бу ўртача 38 миллион сўм дегани. Нурлан оға ҳалол одам, гумони Адҳамдан. Шунинг учун унинг кимлар билан учрашгани ёки телефонда гаплашганини билмоқчи бўлди. Сим карта бир танишининг номига олинганини эслаб, уни топди. Телефон сўзлашувлари рўйхатини чиқартириб, Адҳам гаплашган рақамларга бирма-бир кўнгироқ қилиб чиқди. Ҳаммаси ойдинлашди...

Қинғир иши фош бўлган Адҳам нима қиларини билмай қолди. Шу кунёқ Орифга телефон қилиб қўйларни қайтаришни сўради. Бу орала улар 38 бош қўйдан 4 тасини пуллаб юборишга улгурган экан. Нима қилиб бўлса ҳам ўрнини тўлдириш керак. Қўйларни Абдуғаффор аканинг фермасига ҳайдаб кела туриб, жинорий гуруҳ аъзолари яна бир жиноятга қўл уришади: йўл-йўлакай қишлоқ атрофида ўтлаб юрган 9 бош қўйни ўғирлашади. Турган гапки, кўппа-кундузи қўйларини ўғирлатган Қ.Абдиев ИИБга ариза билан мурожаат қилади.

Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида ўғри чўпонларнинг қилмиши қисқа муддат ичида фош бўлади. Бу орала улар минг тазарру билан ўғирланган қўйларни эгаларига топширади. Яъни, жабрланувчиларга етказилган зарар тўлиқ қопланган.

Суд жиноят ишини кўриб чиқар экан, айбланувчиларнинг содир этган жиноятидаги жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи жиҳатларни инобатга олган ҳолда, уларнинг ҳар бирига қонуний жазо тайинлади.

**Баҳодир ҚОРАЕВ,  
Жиноят ишлари бўйича  
Бўстонлик тумани суди раиси**

# ЖКнинг қирқдан ошиқ моддалари билан айбдор

**2018 йил ноябрь ойининг 13 кuni. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман суди Нодирхўжа Акрамовга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди. 1976 йил 6 январь кuni Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган. «Perfect Optimal Trade» МЧЖ, «Ultra Trade» МЧЖ, «Grand Medical Trade» МЧЖ, «Export Import Group» МЧЖ каби қатор ташкилотларнинг норасмий раҳбари, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида яшайди. Жиноят Кодексининг қирқдан ошиқ моддалари ҳамда уларнинг олтмишга яқин қисм ва бандлари билан айбдор деб топилган.**

Н.Акрамов шериклари билан тузилган уюшган жинорий гуруҳ таркибда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган нодавлат тижорат ташкилоти ҳисобланган «Ultra Trade», Сирғали туманидаги «Grand Medical Trade», «Perfect optimal trade», «Export Import Group» масъулияти чекланган жамиятларини ташкил этган. Гуруҳнинг фаол аъзолари Х.Шарафутдинов, Х.Тўраходжаев ва бир қатор жиноят содир этишга мойил бўлган ўзининг яқин танишлари, қариндошлари ва бошқа шахсларни жалб қилган. Эътиборлиси, гуруҳ

аъзоларининг аксарияти бир неча бор судланганлардир.

Улар ўрталарида жинорий роллар мансаб ваколатлари ҳамда белгиланган вазифаларга асосан тақсимлаган. Зиммаларига бевосита уюшган гуруҳ раҳбарининг назорати ва раҳнамолиги остида тузиладиган нодавлат тижорат ташкилотлари фаолиятини юритиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, товар-моддий қимматликлар ва пул маблағлари айланмасини амалга ошириш ишларини ташкиллаштириш, жинорий гуруҳ раҳбарининг кўрсатмаларини бажариш учун зарур бўлган



ёлланма ишчи кучи ва бошқа воситаларни топиш каби қатор ишлар юклатилган.

Шу тариқа гуруҳ раҳбари мустаҳкам жипслашган ва бевосита ўзининг назорати остида бўлган уюшган жинорий гуруҳни ташкил этиб, унинг фаолиятига бевосита ўзи раҳбарлик қилган. Нодавлат тижорат ташкилоти тузиш ҳақида уюшган жинорий гуруҳнинг фаол аъзоларига кўрсатмалар бериб борган.

Улар ўз манфаатлари йўлида ўзла-

ри ташкил этган корхона ва ташкилотлар номидан доимий равишда қонунари бузиб, жиноятларни амалга ошириб келган. Хусусан, солиқлардан қочиб, импортнинг турли ноқонуний усуллари, кирдикорларини фош этиши мумкин бўлган ҳужжатларни йўқотиш ёки ўзгартириш, янги очилган ташкилот ўз вазифасини эмас, қўшимча ноқонуний ишларни амалга ошириш, айниқса, турли дори-дармон ва тиббий-техник воситаларининг четдан қилиб келиши билан боғлиқ жиноятлар ақлингизни шоширади.

«Бузоқнинг югургани сомонхонагача» деганларидек, арқонни узун ташлаган давлатимиз уни ўз вақтида қайтариб тортди. Йиллар давомида йигилган миллионлар қайтарилди. Қонун бузишлар, ноқонуний бизнеслар, давлат мулкига кўз олайтиришларга барҳам берилди. Жиноятчилар жазосини олди.

**М.АҲМАДЖОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Бош  
прокуратураси ҳузуридаги иқтисодий  
жиноятларга қарши курашиш  
департаментининг Тошкент шаҳар  
Сирғали тумани бўлим бошлиғи, адлия  
маслаҳатчиси**



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 июнь кuni Тошкент шаҳрида амалга ошириляётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишди.



**Бозор иқтисодиётининг талаби шундайки, ресурс ва имкониятлардан фойдаланиш, яъни фаолият майдони ҳаммага тенг бўлиши керак. Яққоқимликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотлар фақат айрим гуруҳлар қўлида тўпланиб, улар учун мўмай даромад манбаига айланиб қолганини адолатдан деб бўлмайди.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

Мен келажак билан қизиқман, чунки қолган умримни унда яшайман, мендан кейин болаларим яшайди. Шу давлатнинг фуқароси, шу элнинг дилбанди эканмиз, биздан кейин фарзандларимиз шу маконда яшар экан, мамлакатимиз тақдирига, унинг сиёсати, иқтисоди, маънавияти ва маданияти тақдирига бефарқ бўлмаймиз, бўлмастимиз ҳам керак.

Бугунги гапимиз иқтисоддаги бир офат ҳақида...

«Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Ўзбекистон дунё рейтингда 187 мамлакат ўртасида 134-ўринда турибди. Ваҳоланки, Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат...» — бу гапларни Шавкат Мирзиёев айтган.

Нега ер ости-ер усти бойликлари йўқ, ери бизникининг ярмича келмайдиган, гуручдан бошқа нарса ўсмайдиган, аҳоли эса биздан икки баробар кўп бўлган Корея дунёнинг олди иқтисоди бўлиб турибди?! Нега бир парча ери ҳам сув остига кетиб бораётган, йилга 3000 марта ер қимирлайдиган Япония ўз халқини юксак фаровонликка эриштира олди, японларнинг бир йилда фақат таълимга ажратадиган маблағи — 167 миллиард доллар — Ўзбекистон давлати ва халқининг тўрт йиллик бюджетига ва ялпи ички маҳсулотига баробар?!

Ҳамма ер ости-ер усти бойликларига эга, иқлими гўзал, ерлари ҳосилдор, халқи меҳнатқаш Ўзбекистон иқтисоди, афсуски, совет зулмидан озод бўлгач, мустақилликнинг чорак асрида ҳам тикланмади?

Нима учун ўзимизни «аста-секин бўлади-да», «ислохотлар жадал кетмоқда», «босқичма-босқич ривожланмоқда» деб овуатамиз?!

### Нима қилиш керак?

Бу саволлар ҳаммамизни ўйлантиради ва ўйлантириши керак, ахир.

Мутахассислар ўз йўлига, фуқаролар ҳам фикримизни айтишга, яхлит бир халқ бўлиб, ўйлайлик.

Бош сабаблардан бири бўлган коррупцияни айтдик. Унга қарши қонунлар чиқарилди, кураш эълон қилинди. Энди ҳаракат керак. Сўз кўп бўлмоқда, энди амал лозим.

Иқтисодни издан чиқарган омишларнинг иккинчиси — монопо-

лизм (коррупциянинг асосий манбаи ҳам монополиядир), монополизмга йўл берган нарса протекционизм ва лоббизмдир. Оддийроқ тилга ўтсак, бунинг لغатда икки маъноси бор: бири ниқоб — «бирор давлатнинг ўз миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан ҳимоя қи-

лишга қаратилган иқтисодий сиёсати», иккинчиси моҳият — «ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишни, қариндош-уруғларни, ҳамтовоқларни қўллаб-қувватлаш».

Ҳозирги иқтисодимизни ўйласам, болаларимни она кўкрагидан ажратишда чеккан ташвишларимиз келади. Бола она сутини узоғи билан ўз йил эмиши керак, кейин ўзи овқатланиши, тишлари билан суякларни кемириши, жағлари билан таомни янчиб, юта олиши керак. Кўкракка ўрганган бола ўз бармоғини сўришга мойил бўлади, шунинг учун қўлига қўлқопча кийга-зиб қўйилади, эмчакдан ажралсин деб гармдори суртиб қўйишди, онасини кўрса, эмиш эсига тушмасин деб ҳола-си ё аммасиникига беш-ўн кунга бериб юборилади... Она кўкрагидан ажралиш гўдакка оғир. Лекин вояга ҳам стиш керак.

Бизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзавтосаноат», «Ўзфармасаноат», сингари ўнлаб давлат, улардан «зеб» олган «Дори-дармон», «Artel», «Имзо», «Амилов» каби катта ва кичик монополияларимиз ана шу она кўкрагидан ажралишни истамаётган, ўн беш-ийгирма йилдан бери бюджетни, тўғрироғи, солиқ тўловчиларни, яъни ҳар биримизни «эмиб келаётган» гўдаклардир. Гўдак онадан ажратилгач, ўзи нон топиб ейишга ўргангани каби, бу монополияларнинг имтиёзлари олиб ташланса, улар бозор иқтисодига қиради, рақобатга ўрганади, рақобатчилар кўлайса, нарх тушади ва халққа фаровонлик келади. Бизни ўқитган ўқувчи ҳар замонда: «Бундан биз ҳам биламиз», деб қўяди, лекин амалга ошириш йўқ. Бундан ўқувчи ва талаба ҳам тушунади. Лекин амалга ошириш йиллар бўйи пайсалга солинмоқда.

Қисқаси, масалан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» улоқларида Туркия, Россия, Миср ёки Дубайга учиб нархи худди шу юртларга Қозоғистондан ё Қирғизистондан учушга қараганда икки

баробар қиммат. Нега? Арзонга билет сотса, компания банкрот бўлар эмиш. Ахир, ўша, масалан, Истанбулдан Чимкентга учаётган хорижий компания самолёти Истанбулдан Тошкентга ҳам шунча масофага учади, шунга яраша ёнилғи сарфлайди, ўшанча одам олади. Табиийки, зарар қилса, учмасди. Фойда қилади! Бизнинг монополист компаниямиз бензин ўрнига қаймоқ солиб уч-маса керак?! Самолётлари ҳам ўша самолёт — «Airbus» ёки «Boeing». Худди ўша хорижий авиакомпания ҳам Истанбулдан Тошкентга билетини қимматга сотади. Сабаби — у арзонга сотса, ҳамма арзон самолётда учади, бизнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» самолётларига биров чиқмай қўяди. Юртга қирадиган компанияларга, бизнинг 28 ёшида ҳам «она сутидан ажралмаган» монополист «гўдагимиз» улоқлари нархидай қилиб нархни кўтаришга рози бўлмаса, ки-

**дан чиқариш, аэропортларни хусусийлаштириш, мамлакатга кам бюджетли авиакомпанияларни (Lowcostercarriers, LCC) жалб қилиш ҳақида қарорлар чиқарди-ку?!**

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раисининг биринчи ўринбосари Умид Хусанов 2018 йил охиригача миллий кам бюджетли авиакомпанияни ташкил этиш бўйича ишлар якунига етишини маълум қилди. Мана, 2019 йил июни ҳам якунига етди. Лекин кам бюджетли янги авиакомпания ташкил этиш у ёқда турсин, бу йўналишда қандай ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам ҳеч қандай расмий хабар берилмапти. Энг ёмони, «Ўзбекистон

# Она Ватан «кўкрагидан

ришга изн берилмайди.

Солиштирайлик, бизнинг битта компаниямиз бор. Қозоғистонда 21 та авиакомпания бор, бизда бармоқ билан санарли компаниялар самолётлари қира олади, Қозоғистонда 33 та чет эл авиакомпаниялари фаолият олиб боради, аҳоли сони 17,9 миллион киши бўлган қозоқ юртида ҳаво транспорти орқали ташилган йиллик йўловчилар сони 5,6 миллион, яъни аҳолимиз 33 миллион бўлган бизникида 46 фоиз кўпроқ. Қозоғистоннинг ЯИМ 159 миллиард АҚШ доллари, Ўзбекистонники — 48 миллиард АҚШ доллари.

Ўлоқроқдан намуна келтирсак, масалан, Осиёнинг тўртинчи иқтисодиёти бўлган Жанубий Кореяда миллий ва хусусий авиакомпаниялар 12 та бўлиб, бу ерга учадиган чет эл авиакомпаниялари 56 та, самолётда йилга 28 миллион киши ташилган. Бозор иқтисоди шунга олиб келдики, Корея ЯИМ 1,5 триллион АҚШ доллари.

Бу ютуқлар, жумладан, иқтисод монополиядан чиққанининг шарофатидир. Бизда бир ҳовуч одам ишлайдиган «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Женерал Моторс-Ўзбекистон» каби компаниялар манфаати учун бутун бир халқ зарар кўради. Машинани уч баробар, улоқ билетини икки баробар қимматга олади.

**Нега билетларини икки-уч баробар қиммат сотаётган компания яна зарар келтиради. Тахминларимиз бор. 27 йил ҳукм сурган коррупция шароитида самолётлар ўз нархидан қимматга олинган, «шапка», «откат» деган гаплар осмондан олинмаган. Энди бу самолётлар ўз ресурсидан икки баробар кўп учуши керак ёки билет нархи икки баробар қиммат бўлишга мажбур. Ахир, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси миллий авиациясини тубдан тақомиллаштириш бўйича фармонни имзолади ва бу компанияни монополия-**

ҳаво йўллари»нинг мутлақ монополияси 27 йилдан буён давом этиб келмоқда. Буёқ Британиянинг барча мамлакатлар авиакомпаниялари ва аэропортларининг хизмат кўрсатиш сифатини баҳолайдиган «Skytrax» веб сайти «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини таҳлил қилишича, кўччилик чет эллик йўловчиларнинг авиакомпаниями ҳақидаги фикрлари ўта салбий ва бу унинг ҳозирги ҳолатига мосдир. Бу монополия иқтисодга ҳам, халққа ҳам зарар келтирмоқда.

Ҳақиқий бозор шароити бўлганда, компания рақобат таъсирини янада ривожланиди, рақобатбардошлиги ошади, миқдорлар танлаш имкониятига эга бўлади, ҳамёнбон нархларда авиачитталар сотиб олади, қолаверса, туризм ривожланади, яна бўлжамга туради кўради. Наҳотки, барчага аён ҳақиқатлар ният-лигича қолаверадими?!

Авиаторлар ва автомобилчиларимиздан ўрнак олиб, бошқа талабгорлар ҳам чиқмоқда. «Ўзэлтехсаноат» АК ҳам имтиёзларни олиш ва монополист бўлиш ҳаракатига киришди. Ҳукуматга қарор лойиҳасини киритди, унга кўра, жисмоний шахслар учун маҳсулотни божсиз олиб кириш қоидалари кучайтирилди. Аслида инсон чет элга борса, ўзига зарур ашёларни бемалол олиши керак. 2018 йилдан бошлаб, фуқаролар автомобиль йўллари (ниёдалар) ўтказиш пункти орқали — 1 ойлик интервал билан умумий қиймати 300 долларгача бўлган, темирйўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали — 1 ойлик интервал билан умумий қиймати минг АҚШ долларигача миқдорда биттадан маиший техника ва ошхона идиш-товуқлари тўпланини Ўзбекистонга тўловсиз олиб кириш ҳуқуқига эга. Монополист ушбу вақт оралиғини 6 ойга оширишни режалаштирди. «Ўзэлтехсаноат» автомобиль саноатидан ҳам сурбетроқ чиқди, тайёр электротехника маҳсулоти импортидан тушган божхона тўловлари ва акцизларнинг умумий ҳажмидан 60 фоиз миқдордаги маблағни Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармасига йўналтириши тақлиф қилди.

**Иқтисодимиз навбатдаги шундай монополистга бардош бера оладими?**

Бизнинг аҳоли учун бундай ишлаб чиқариш керакми?



**«Ўзтемирйўлйўловчи» АЖ Арис станцияси орқали халқаро йўналишларда қатнайидиган барча поездлар ҳаракати қайта тикланганини эълон қилди. 24 июнь куни Қозоғистоннинг Арис шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда юзага келган портлаш натижасида поездлар ҳаракати вақтинча тўхтатилган эди.**

Хўш, майший техника олиб киришга чекловлар нега жорий этилди? Гап шундаки, бизда ўзимизнинг телевизор, газ плиталар, музлаткичлар, чангютар ва ҳоказолар ишлаб чиқарувчи «Artel» деган монополист корхоналаримиз тизими бор. Унинг ўз «яралиш тарихи» бор. Ўша даврда мамлакатга хориздан майший техника олиб киришга ҳам, автомобиль олиб киришга ҳам 50-70 фоизлик тўловлар жорий этила бошланганди. 200 долларлик телевизорни олиб кирсанг, 350 долларга тушарди. Фойда қўшиб сотилса, 400 долларга сотиларди. Холбуки, агар маҳаллий ишлаб чиқарувчи чет элдан бутловчи қисмларни олиб кирса, тўлов оз ёки умуман тўловдан озод қилинганди. Жаҳонни олишга интилган жаҳонгирлар, «оқил» ишбилармонлар англадики, ўша 200 долларлик телевизор-

**Шавкат Мирзиёев: «Шу заводни ёпиб юборсак, фойда бўларди», деганда нимани назарда тутган? Биз ҳозир бу заводнинг дунёда 8000 доллар турадиган машинасини 16000 долларга харид қиляпмиз. Ташқаридан машина кирмагани, «бутловчи қисмлар» киргани учун давлат бюджетига тўлов тушмайди. Корхона фойда олса, акциядорлари кўради. У аслида банкрот ҳолатидадир.**

наси бизниқидан арзон. Нега бизнинг автозаводимизники қимматга тушади?! Балким, бизнинг автозавод ишчилари-

Агар «автомобилсозлигимиз фахри» дан бирор фойда бўлса, буни ҳали биз ёрувликка олиб чиқолмаётган бир гуруҳ

**Чорак аср мобайнида кўрсатилган «миллий ишлаб чиқарувчига ғамхўрлик»дан монополистлар рақобатбардош бўлмади. Фақат ашаддий, ошқора ва ҳалол рақобат ривожланишга мажбур қилади.**

га Япония, Корея ёки Туркия заводиникидан кўп маош тўлар? Йўқ, улар маошининг бешдан бирини ҳам бермайди! Балки, у ерларда электр энергияси, ижара ҳақи, ер қиймати, солиқлар бизниқидан арзондир? Йўқ, бизда булар беш-ўн баробар арзон! Балким, бизнинг автозаводимиз улардан кўпроқ солиқ тўлар? Йўқ, бизнинг автозаводимиз йиллар давомида деярли барча солиқлардан озод қилинган.

шахслар кўради. «Иш ўринлари яратилди» дейишлари мумкин. Бу завод бўлмаса, келадиган фойдага бундан юз баробар кўп иш ўринлари яратиш мумкин.

**Нима қилиш керак?**

Кимдир яна бошқа заводлар қурилса, японлар ё немислар заводлари келса, рақобат бўлади, деб ўйлаши мумкин.

# айрилолмаётган» иқтисод

ларнинг ичини қутисидан ажратиб, «бутловчи қисм» сифатида олиб кирса, ичкарида қайтадан «йигса», «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган тамга ила 300-350 долларга сотса бўлади. Албатта, давлат бюджети чегара оладиган тўлов тушмаслигидан ўн миллионлаб зарар кўради, аммо ўн миллионлаб телевизорлар, чангюткичлар, музлаткичларни ичкарида йигиб, сотганлар юз-юз эллик миллионлаб долларни чўнтакка ура олади. Ўша «Самсунг» ёки «LG» олиб кирилса, бозорда 400-450 сотилади, худди шунини «Artel»да йиғилгани 300-350 долларга сотилади ва халқ чегара ёпиқ ҳолатда «арзон» олганига шод бўлади.

Дейлик, шу заводимиз бўлмаса, шу 130 минг машинани четдан 8000 доллардан олиб кирсак, ҳозиргидек 50-70 фоиз эмас, 10 фоиз тўлов жорий этсак ҳам, бюджетга 1 миллиард доллардан зиёд тушум тушади, бундан ташқари, енгил автомобиллар импортидан ҚҚСдан давлат бюджетига тушадиган маблағлар 200 миллион долларни ташкил этади. Давлат бюджетидан «Узавтосаноат» АК барча ходимларига иш ҳақини автомобилларни ишлаб чиқар-

Унда нега шунча харажати билан уларнинг автомобили арзон, шунча имтиёзлар билан бизники қимматга тушади?!

Бунинг бош сабаби тизимнинг самарасизлиги ва коррупциялашганидир. Коррупциянинг сабаби эса монополияннинг мавжудлиги ва ясама протекционизмдир. Маҳсулот қийматини пасайтириш учун харажатларни камайтириш, янги технологиялар киритиш ва бошқа чоралар кўриш ўрнига ҳар гал нарх оширилади, яъни заводнинг муаммолари халқ ҳисобидан ҳал этилади. Халқ бошқа арзон машина оламан деса, йўлига тўсиқлар барпо этилади, яъни «маҳаллий ишлаб чиқарувчи ҳимояланади».

Заводимиз бўлмай, чет эл автомобилларини бемалол олсак, халқда танлов бўларди ва арзон оларди. Давлатга ҳам бу заводдан фойда йўқ, чунки чет сотган машиналарининг валютасига янги машиналари учун бутловчи қисм олади. Солиқ ҳам тўламайди, озод қилинган. Молиявий аҳволи

мумкин. Машина олиб кириш учун божхона тўловларини мўътадиллаштириш керак, токи харидор ёки сотувчи олиб кириш ва сотишдан фойда олсин. Шунда харидор танлаб, мақбул машинани мақбул нархда олади. Бу мавжуд заводлар харажатларини камайтиришга, сифатни яхшилашга, ассортиментни кўпайтиришга, рақобатга бардошли бўлишга ундайди. Давлат бюджети олиб кириладиган автомобиллар учун бож тўловларидан юз миллионлаб доллар маблағга эга бўлади.

Чорак аср мобайнида кўрсатилган «миллий ишлаб чиқарувчига ғамхўрлик»дан монополистлар рақобатбардош бўлмади. Фақат ашаддий, ошқора ва ҳалол рақобат ривожланишга мажбур қилади.

Етар энди, дейилишига қарамасдан, монополист гуруҳлар «яна бир ёки икки йил онамни эмиб, ўзимни туттиб олай» деб тамшанадиган гўдак каби тармашиб тураверадилар, фароғат холи сақланиб қолиши учун лоббистлик нолишларини тўхтатмайдилар.

«Миллий ишлаб чиқарувчини ҳимоя қилиш» ниқоби остидаги протекционизм бозор иқтисодининг асосларига путур етказди ва унинг неъматларини йўққа чиқаради: сифатли чет эл маҳсулотига импорт тарифларини ошириш орқали халқни «ўзимизники» бўлган сифатсиз маҳсулотни қимматга олишга мажбурлаш нафақат ноинсонийлик, балки халқни қашшоқлаштириш ва бу орқали харид қобилиятини пасайтиришнинг сабабидир, бу божи оширилган чет эл маҳсулотини ҳам, ички маҳсулотни ҳам қимматлашувига олиб келади ва аҳолининг даромади пасаяди. Импорт божи ошиши маҳсулотни қонуний олиб киришни норентабел қилгани учун контрабандани кўпайтиради, маҳсулотига бож оширилган давлатлар билан муносабатта раҳна солади ва бизга жавобан шунга монанд чоралар кўрилишига олиб келади.

Жаҳон банки гуруҳига кирадиган Халқаро молиявий корпорация (ХМК)Ўзбекистоннинг хусусий секторларини ҳар томонлама таҳлил қилиб ташхис қўяр экан, монополияларга барҳам беришни ва бунинг баробарида «соҳалардаги муайян чораларни умумиқтисодий ислохотлар билан қўшиб олиб бориш»ни тавсия қилди. Бу ислохотлардан умидвор халқимизнинг истагига мос келади.

Карим БАХРИЕВ

**Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, қўшни давлатлар билан чегаралар очилиб, борди-келдилар бошланди. Халқ билиб қолдики, шу телевизор, чангюткич ва бошқа майший техникалар чет давлатларда икки-уч баробар арзон экан. Кўплаб олиб кира бошлади. Ички монополист дарров тегишли амалдорлар ва идоралар орқали майший техника олиб кириш йўлини беркитди. Ўттиз уч миллионли халқ яна майший техникани икки баробарига олишга мажбур.**

магани учун тўла ҳажмда компенсация қилиб бериш мумкин.

Афсуски, ҳозирча бу монополист ҳуқуматга яқин вақт ичда чет элда ишлаб чиқарилган машиналарни Ўзбекистонга олиб кирганлик учун бож тўловлари қийматини пасайтириш, бозорни

Бу монополистлар – Автосаноат ҳам, «Artel» ҳам – четдан кираётган «эхтиёт қисм»ларни йиғувчи бир цех, холос. «Artel» маҳсулотларининг қисмлари 90-95 фоизга четдан киради, автомобилларимизнинг 78,3 фоиз ашёси четдан киради. Ҳеч бири ваъда қилинган «маҳаллийлаштириш»га ўтмади. Яна барча монополистлар йиллар бўйи валюта конвертациядан фойдаланиб келди ва бошқа оддий рақобатчилари олдида имтиёзга эга бўлди.

Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келгач, қўшни давлатлар билан чегаралар очилиб, борди-келдилар бошланди. Халқ билиб қолдики, шу телевизор, чангюткич ва бошқа майший техникалар чет давлатларда икки-уч баробар арзон экан. Кўплаб олиб кира бошланди. Ички монополист дарров тегишли амалдорлар ва идоралар орқали майший техника олиб кириш йўлини беркитди. Ўттиз уч миллионли халқ яна майший техникани икки баробарига олишга мажбур.

Масалан, монополист «GM Uzbekistan» 2017 йилда 135,5 минг донга автомобиль ишлаб чиқарган. Соҳадаги ўртacha иш ҳақи 300 доллар эквивалентига эканини ҳисобга олсак, компанияда ишга ҳақ тўлаш фонди тахминан 100 миллион доллар эквивалентга тенг. Бу соҳада 14 000 атрофида киши иш билан таъминланган. Мамлакатда 6-7 миллион атрофида ишсиз бор, Россияда 2,5 миллион юртдошимиз ишлайди. 10000-15000 киши ишсиз қолади деб, банкрот заводни ушлаб туриш кимга керак?!

монополиядан чиқариб, рақобат муҳитини яратишга имкон бермаяпти.

Бошқа турли давлатларда ҳам шу қисмлардан машина йиғилади ва улар рақобатбардошдир, уларнинг маши-



оғир бўлгани учун давлат дивидент ҳам ололмайдди. Қолаверса, кирадиган автомобилларга божлар миқдори камайтирилса, халқ ўн минглаб машина олиб киради ва улардан бюджетга юз миллионлаб валюта тушарди.

«Ангрен» эркин иқтисодий зонаси кенгайтирилади. Мазкур эркин иқтисодий зона ҳудудига умумий қиймати 24,5 миллион АҚШ долларилек истиқболли инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган.





# «Бу уйда яшагандан кўра, етимхонада яшаганим яхшимасми?»

**Имтиҳон пайти яқинлашгани учун дугонам билан бир-биримизнинг уйимизга бориб, дарс таёрлашга келишиб олдик. Дугонам чекка қишлоқдан бўлгани боис шаҳардан ижарага уй топган эди. Тураржойи яқинлиги бизга янада қулай бўлди.**

Дугонамнинг ижарада турган уйига бирга имтиҳонга тайёрланишга бордим. У жуда хурсанд бўлди. Уйига кирар эканман, қандайдир шовқин, йиғи овозлари эшитилди. Мен таажжубланиб дугонамга юзландим. У эса ҳар доим шу аҳвол эканини айтиб, хонасига бошлади. Мен ўзимни тутиб туролмадим. Катталарнинг овози эшитилавермагач, бориб хона эшигини очиб қарадим... Кейинчалик билишимча, оиланинг 8-синфда ўқийдиган қизи Дурдона (исм-шарифлар ўзгартирилган) синглисини шунақанги урардики, бечора йиғлай-йиғлай мадори қолмаган. Четроқда эса кўриб, кўзлари жавдираб, 2 ёшли болакай турарди.

— Ҳой қиз нима қилаёсан, дея қўлига ёпишдим. У қизнинг жаҳми чиқиб, — сиз кимсиз, мени ишимга аралашадиган, боринг, хонамдан чиқиб кетинг, — деб бақирди. Дугонамнинг «уялмайсанми, қилган ишингни қара, синглингни оёғи яқинда синган бўлса, мажбурлаб иш қилдиришинг шартми? Кап-капта қиз бўлсанг, ўзинг тезда қилиб ташлайсан-ку, ахир», деган гаплари ҳавога учди. Қизга таъсир ҳам қилмади, парвойига ҳам келмади...

## Опанинг сингилга «меҳри»

Миямда ҳар хил саволлар айланарди. Наҳот, опа-сингилларнинг қалбини меҳр-муҳаббат эмас, нафрат эгаллаб олган? Биз дарс тайёрлар эканмиз, хаёлим фақат бўлиб ўтган воқеада. Кеч тушди. Дурдонанинг онаси ва отаси ишдан қайтди. Улар ош олиб келишган экан, бизни ҳам чақирди. Овқатланиб бўлганимиздан сўнг, онаси билан гаплашиб, дилмадагиларни тилимга чиқармоқчи бўлдим. Бошқа хонага кириб гаплашиб олишимизни айтдим. У ҳам йўқ демади.

Хуллас, бўлган воқеанинг ҳаммасини айтиб бердим. Опа гапимни охиригача эшитмасдан чиқиб кетди. Сал ўтмай, дугонам кириб келди:

— Нега айтдинг бу гапларни? Энди қизи билан тортижапти.

— Ахир айтмасам, бечора синглисини бир кунмас-бир кун адоий тамом қиларди-ку. Ошхонага кириб, она-боланинг баҳслашувини эшитиб, ҳайратда қолдим. Бир-бирига бақаришар, лекин бир-бирини эшитмас, тушунмас эди:

— Нега синглингни урасан, қўлинг сингур?!

— Урсам урибманда шунга осмон узилиб ерга тушибдим?

— Менга зиённинг тегса тегали-ю, лекин фойдан тегмайди сен яшашамангунинг, мени қаритиб адо қилаёсан, йўқол, уйдан чиқиб кет.

— Доим мени ажратасиз, бошқалар оқ, мен қора эканман-да, жонимга тегди бундай яшаш. Кетсам, кетавераман.

— Эрталабдан кечгача сенларни деб ишлаб юрибман, қурмагур бола, кошқи билсайдинг буни.

— Ишлаб, бизни боқиб сизнинг вазифангиз, менга буни рўқач қилманг.

— Эрга бериб қугуламан сени, эринга ҳам шундай гап қайтаришинг бўлса, кўчада қолсан, ҳали шошмай тур. Мени қадримни билмадинг, кўр бўлгур илоҳо.

— Беринг, беринг қўлидан келса, кўп гапираверманг ўзим биламан қандай яшашни. Ҳар ҳолда сизга ўхшаган аёл бўлмайман...

Ақлга сизмас даражадаги бу тортишувлар ҳали ҳолва. 8-синф ўқувчисига айтилаётган бу гаплар, унинг онасига қайтараятган жавобларидан ошган ҳайратим ҳам ҳеч нарса бўлмай қолди... Қиз онаси билан шундай тортишар эдики, буни кўриб турган ота ҳеч қандай муносабат билдирмади. Бунинг охири ни-

қурсам, онамдан ҳеч қачон ёмон гап эшитмаган эканман. Фақат ширин сўз, олқиш эшитганман. Яратганга шукр...

Шундан кейин Дурдонанинг олдига кириб, у билан сўхбатлашмоқчи, нега бундай қилганини сўраб, дакки бермоқчи бўлдим. У қўл телефонида ота-она тўғрисидаги ҳикматли гаплар, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги ибратли ривоятларни ўқиб ўтирарди. Уйлаб қолдим. Демак, бу ерда бир гап бор. Шаштим пасайиб, имкон қадар мулоимлик билан сўрадим:

— Нега оиладагиларингга қўпол муносабатдасан, меҳр-оқибат қаерда қолди, онамдан шунчалик кўнглинг қолишига нима сабаб? Дурдона бирдангина йиғлаб юборди. Йиғисини босолмай:

## Бу гапга нима дейиш мумкин?..

— Опа, биласизми, мен меҳрни 4 та ҳарфлигини биламан холос, лекин уни ҳис қилмаганман.

Гапимиз қизиганда онам кўнғирок

га борсаммикан-а? Бу уйди яшагандан кўра, етимхонада яшаганим яхшимасми? Эшитишимча, у ерда болаларга яхши муносабатда бўлишаркан.

— Бундай бўлмагур гапларни қаердан олдинг, хаёлингдан чиқариб ташла. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозир эса бориб онамдан кечирим сўра, ҳеч қачон дилга озор берма. Дуосини ол.

Ҳақиқатдан ҳам у онасининг ёнига бориб узр сўради. «Она» эса «йўқол, оқпадар, сендай қизим йўқ» деб бақирди. Дурдона йиғлаганича қилиб «сизга айтмаганимдими, айтинг, бу уйда мени нима ушлаб тура олади?.. Ёстигини қучоқлаганча хўн-хўн йиғлар эди. Дурдонанинг ичида қандай ҳислар кечаётганини билсам-да, тилимга бир оғиз сўз келмади.

Майли, ҳозир ёлғиз қолдирай, эртага гаплашарман деган ўйда дугонамнинг ёнига кирдим. У ҳам ухлаб қолибди. Бу воқеалардан кейин кўзимга на уйку келарди, на ўй-хаёллар тинч кўярди.

## «Пулдими сен олдингми?»

Эртаси куни эрталабдан яна тўполон, жанжал бошланди. Қарасам, «она» қизини уйготарди:

— Тур, итдан тарқаган, пулдими сен олдингми? Ҳали ўз бошимча бўлиб қолдингми? Тур деяпман сенга!

— Э-е-е йўқолинг, пулингизни олганим йўқ, тинч қўйинг мени.

— Тур ўрнингдан дедим, — дея тарсаки туширди. Бу одатий ҳол шекилли, Дурдона ҳам ўрндан туриб, «жонимга тегиб кетдингиз», деб онасининг елкасидан итариб юборди. Қайтиб ўрнига ётиб, «чиқинг хонамдан», дея ўшқирди. Она қарғишларини ёдидириб, жаҳд билан биздан сўради:

— Қизлар пулдими кўзинглар тушмадими? Кеча тўшакнинг тагига қўйгандими.

— Йўқ, кўрмадик, бошқа-ишонарли жойга қўймайсиз-да!

— Билмапман-да, уйимда ҳамма ишончи эди, — деди-ю, чиқиб кетди.

Биздан гумонсиргани учун жаҳлим чиқарди. Бироқ кечадан бери давом этаётган дилхираликларнинг олдида бу урвоқ ҳам эмасди. Демак, бир кечада менинг ҳам анчагина бетим қотипти...

Ота-онаси ишга кетишгандан сўнг Дурдона ўрндан туриб, яна кечаги ишини бошлади — синглисини уйғотиб, ҳамма ишларни унга қилдириди. Синглиси «опа мактабга кеч қоляпман дейишга эътибор ҳам бермай, ишлатаверди. Ўзи кийиниб мактабга кетаётганида синглисига:

— Мендан кейин 20 минут ўтиб чиққин. Сен чўлоқданиб юрасан, йўлда дугоналарим кўриб, қулишайди.

Эшикни қарсиллатиб ёпиб кетди. Синглиси бечора индамай қолаверди...

Дугонам билан хайрлашиб уйга қайт-япман, бўлиб ўтган воқеаларни онамга айтсаммикан?! Айтдим ҳам. Онам эса:

— Жамиятимизда ҳали ҳамон одам қиёфасидаги махлуқлар яшапти, — деди-ю, уйга толди. Онам тезда дугонамни олиб келишимни, бирга яшашимизни айтди...

Гулҳаё ҲУСАНОВА,  
«Жамият» маҳорат мактаби  
тингловчиси

**«қиз бўлмай ўлгур, оқ кўйлақ киймасдан ўлгин, оила қурмасдан, фарзандсиз ўтгин, ҳаётдан қийинчиликдан бошинг чиқмасин, илоё»**

маларга олиб келишини, вой бўлишини хаёлига ҳам келтирмай, бепарволарча турар эди.

## Онанинг «олқишлари»

Шу билан қиз онасига «боринг-э» деди-ю, чиқиб кетди. Буни кўзингиз билан кўриб, ҳазм қилишинг ўзи бўлмайди-ю, лекин бунисига нима дейсиз? Она қизининг орқасидан «қиз бўлмай ўлгур, оқ кўйлақ киймасдан ўлгин, оила қурмасдан, фарзандсиз ўтгин, ҳаётдан қийинчиликдан бошинг чиқмасин илоё», деган бисотидаги бор қарғишларни ёдидириди. Кеч бўлса-ла, англашимча, бу бисотда қарғишдан бошқа сўз йўқ экан!..

Умримда эшитмаган бундай гапларнинг гувоҳи бўлиб, кўз ёшларимни тилмадим. Ахир қандай қилиб она ўз боласига шундай шум ниятларни раво кўриши мумкин? Бундай гапларни, ҳатто, киноларда ҳам эшитмаганман, китобларда ҳам ўқимаганман. Бирор кино ёки китобда кўзим тушган қарғишлар ҳам бунинг олдида денгиздан томчига айланиб қолади. Кўз олдимдан шулар ўтаркан, буларнинг қарғиш эканини шундагина англадим... Энди ўйлаб

қилиб қолди. Гапларимни қизча диққат билан кузатиб турарди. Онам эса «қизим, дарсингни тайёрлаб бўлдингми, ўзинг яхшимсан, дугонанг қалай, ҳали бир кун бўлмасдан соғиниб қолдим. Майли дарсингни қила қол, болам, ҳалақит бермай», деди. Мен ҳам соғинганимни, яхши кўришимни айтиб, учирдим. Телефонимнинг овози балинд бўлгани учун гапларимизни эшитиб турарди. Дурдона мени саволга тутди:

— Опа соғинч нима у? Меҳр-чи? Ҳеч қачон онам менга сени яхши кўраман дегаман, мен билмаган гапимни қандай айтаман. Агар онам ўлиб қолса ҳам соғинмасам керак.

— Мана масалан, сизни ўқшингизга онангиз бепарво эмас, менинг онам эса «ўқиб қим ҳам бўлардинг» дейди. Тўғри, олим бўлмасман, лекин биология фанига жуда қизиқман, ҳатто, билimler беллашувидо фолиб бўлганман. Бундан уйимдагиларнинг хабари ҳам йўқ. Кошқийди, улар менга озгина бўлса ҳам вақт ажрата олса...

Мен ҳам бу фанга қизиқганим учун унга тавсиялар бердим. Савол-жавоб қилганим, ҳақиқатдан ҳам билими яхши экан.

— Опа бу уйдан кетиб, болалар уйи-



Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунидо Ўзбекистонда 1 тоннадан ортиқ гиёҳвандлик воситалари ёқиб бурилди.

## ДЎСТИМ НЕЧА ЙЛКИ КОЛЛЕЖ ТА- ЛАБАСИ БЎЛГАН ҚИЗАЛОҚ БИР УКАСИ ВА СИНГЛИСНИ ЁЛГИЗ ЎЗИ ОҚЮВИБ, ОҚ ТАРАБ, ТАРБИЯЛАЁТГАНИ ҲАҚИДА СЎЗЛАБ БЕРГАН ЭДИ. ЯҚИНДА УЛАРНИ ИЗЛАБ БОРДИМ.

«Гулистон» — нафақат Гурлан туманининг, балки Хоразмнинг энг чекка қишлоғи ҳисобланади. Бу қишлоқ бир пайтлар ўзининг гуручи, юзга яқин миллат вакиллари яшаши билан доврў таратган. Аҳолисининг иқтисодий аҳволи анча яхши ҳисобланган хулудлардан эди. Бироқ мустақилликдан кейин бу ҳудуд ачинарли аҳволга келиб қолганди. Қишлоқдаги ишсизлик кўпчилик ёш йигитларни ўзга юртларга тирикчилик илинжида кетишга мажбур қилди.

### Отанинг «қайтиши»

Ана шундайлардан бири ҳаётининг ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган Тоҳиржон Абдуллаев эди. 2006 йил Қозғистонга ишга кетиб, сал ўтмай, бахтсиз ҳодиса сабаб унга «темир сандиқда» қайтди. Унинг жуфти ҳалоли Гулнаҳор эса бағрида уч нафар дўдаги билан бўзлаб қолди. Айриқ азоби, турмуш ташвишлари, иқтисодий қийинчиликлар сабаб Гулнаҳор соғлигидан айрилди. 2014 йилга келиб, оғир хасталик билан бутунлай ётиб қолди. Ушандан бошлаб касал онасини, укаси ва синглисини парваришлаш, барча уй юмушлари тўлағича 16 ёшли Насибанинг гарданига тушди. Коллеждаги ўқишини ташлашга мажбур бўлди. Тирикчилик илинжида кимнингдир ҳовлисини супурди, далада ишлади. Имкон қадар пул топиб, онасини давлатишга ҳаракат қилди. Бироқ шафқатсиз тақдир уч гўлакка раҳм қилмай, онасини ҳам олиб кетди. Насиба, укаси Давронбек, синглиси Нодира чин етимга айланди...

Қариндошлар маслаҳатлашиб, уларни болалар уйига жойлаштириш тараддулига тушди. Аммо Насиба ёш бўлишига қарамай, «ота-онам ўтган уйнинг чирогини асло ўчирмайман, укаларимни ўзим тарбиялайман!», дея қатъий қарор қилди. У ҳали 18 ёшга тўлмагани учун олдини-

га қариндошлар рози бўлишмади. Насиба қатъий туриб олгандан кейин, ён қўшнис Ораз ака Бегешев уларни ўз васийлигига олди. Тумандаги мутасаддилар шу билан учта чин етимдан иборат оилани унутди-қўйди. Онда-сонда маҳалла фуқаролар йиғини бир-икки кило ул-бул бериш билан чекланди, холос.

### Насиба ишли бўлди

Ўтган йили март ойида бу оила аҳолидан хабар топдик. Сўнг Ёшлар иттифоқи вилёт кенгаши раиси ва туман ҳокимининг бевосита аралашуви билан 2017 йили бир амаллаб коллежни тугатган Насиба уйи ёнидаги мактабга таълим муассасига ишга жойлашди. Шундан кейин собиқ туман ҳокими ушбу оила яшаётган уйни тўлиқ таъмирлаб, томини ёпиб беришга, Ёшлар иттифоқи эса доимий оталиққа олишга ваъда беришган эди. Бунинг устига бу ҳақдаги мақолани ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилганимиздан кейин айрим саховатли инсонлар қўлидан келганича ёрдам беришга қарор қилганини билиб, яқин кунларда ушбу болаларнинг ҳаётида бахтли кунлар бошланишига умид қилгандик.

Яқинда хизмат юзасидан Гурланд бўлганимизда туман ҳокимлиги ходими билан ушбу оила ҳолидан хабар олишга бордик. Гарчи томи ёпилмаган бўлса-да, уйнинг фасад қисми чиройли қилиб рангланганини кўриб, кўнглимиз кўтарилди. Уйга киришимиз билан димоғимизга зах ҳиди урилиши таъбиимизни хира қилди. Бизга эндигина ишдан келган Насиба пешвоз чиқди. Ҳол-аҳвол сўрадик:

— Ўтган даврда ҳаётимизда ўзгаришлар катта бўлди, — дейди Насиба Абдуллаева камсуқумлик билан. — Муруватли инсонлар берган моддий ёрдами туфайли уйимизни қўлдан келганча таъмирладик. Мен боғчада тўлиқ

# «Ваъдалардан чарчадик»



**Бир ой ун ололмай, нонни дўқондан қарзга олиб еганимизни сиз тушунармидингиз!? Ҳозирги кунда дўқондан, электрдан қарзимиз, тўламасак, эрта-индин узишади. Солиқдан 300 минг сўм қарзимиз «пеня» туғиб ётипти, айтингчи, мен қандай ўқишни ўйлашим мумкин?**

ҳажмда иш бошладим. Аввалги ҳаётимиз билан солиштирганда анча яхши. Укам Давронбек бу йил мактабни тугатди. Имтиҳонлар туғаши билан Қозғистонга ишга кетмоқчи. Ишлаб пул топса, уйимизни мукамал таъмирлаймиз. Томни ёпамиз. Ҳозирча амаллаб кунимиз ўтапти.

### Қозғистонга кетаман!

Савол назари билан Давронбекка юзландим:

— Нимага кетар эдим, ишлашга, оға! Энди мактабни тугатдим, оиланинг ягона эркагиман. Уларни моддий таъминлашни ўз зиммамга олишим шарт. Шундоғам бизни деб опам қўйналиб кетди. Пул ишлаб опамни, синглимни институтда ўқитаман. Уйимизни тугатман. Кўряпсиз, зах ҳидидан нафас олишга қўйналамиз, сал ёмғир бўлса, чакки ўтади. Синглимни тез-тез мазаси қочади, уни яхши-лаб давлатаман...

Унга ўзга юртда пул топиш осон эмаслигини, отаси пул илинжида хорижга кетиб, тобуда қайтган қисматини елашти, фикрдан қайтаришга уриндим. Мутасаддилар ёрдам беришини, у ўқиши кераклигини уқтирмоқчи бўлдим.

— Оға, кечирасиз, мен энди ёш бола эмасман. Биласизми, уйимизга кимлар келиб, нималар ваъда беришмади? Бироқ ҳеч қандай натижа йўқ, бизнинг ҳеч кимга керагимиз йўқ! Яқинда икки ой ниманидир сабаб қилиб, бериладиган нафақани ҳам бермай қўйишди. Бир ой ун ололмай, нонни дўқондан қарзга олиб еганимизни сиз тушу-

нармидингиз!? Ҳозирги кунда дўқондан, электрдан қарзимиз, тўламасак, эрта-индин узишади. Солиқдан 300 минг сўм қарзимиз «пеня» туғиб ётипти, айтингчи, мен қандай ўқишни ўйлашим мумкин? Опам, синглим қўйналиб кетганини кўриб, қайдай хомхаёлларга беришим мумкин? Мен ҳам бир пайтлар ҳарбий бўлишни, Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилардим. Лекин улгайтганим сайин бу сароб эканини яхшироқ англадим. Орзуларга берилмаслигим керак. Синглимни ва опамни ўйлашим керак! Тасаввур қила оласизми, опам жуда қўйналиб, оч қолган пайтларимизда маҳаллада неча марта ёрдам пули сўраб чиқиб, қайтиб келиб, юзини ёстиққа босиб, йиеланганларини кўрганман. Доимо таъкидлашди, биз кам таъминланган эмас эканмиз! Қоидаларга кўра, бизга моддий ёрдам беришга рухсат йўқ экан! На томорқамиз, на қўшимча ишимиз бор! Шундан кейин мен хорижга кетмай, ким кетсин? Опамни, синглимни юбормайманку! Бошқа чорам йўқ.

### Уч етимдан иборат оила кам таъминланган эмасми?

17 ёшли Давронбекнинг сўзларидаги дардни, аламни эшитиб, бўғзимга нимадир тиклгандай бўлди. Тасалли беришга сўз тополмадим. Агар шу тобла уларнинг қўшнис ва васийси Ораз Бегешов кириб келмаганида унинг чекаётган изтиробларини кўриб, кўз ёшларимни яширолмасдим...

— Ўтган йили қишлоғимизда Президентимиз ташаббуси би-

лан бошланган «Обод қишлоқ» дастури доирасида катта бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди, — дейди О. Бегешов. — Шунча ҳаражат орасида мана шу норасидаларнинг томини ёпишга пул топилмади. Яна ҳайрон қолган жойим. 2017 йили Насиба қизим коллежни тугатган пайтда чин етимларга ҳаётда ўрнини топиб кетиши учун энг кам иш ҳақининг 105 баравари миқдоридан ёрдам пули берилди, деган гапни эшитиб, барча ҳужжатларни тўллаб, муурожаат қилмаган идорамиз қолмади. Афсуски, бундай имтиёз фақат «детдом»да тарбияланганларга мумкин деб беришмади...

Ажабо, бу қандай қоидаларки, уч нафар чин етимни кам таъминланган оила деб тан олишига монелик қилса? Давлатдан мадал ва ёрдам олиш учун чин етимлар, албатта, «детдом»да тарбияланиши шарт бўлса? Билмадим, бунга ким айбдор, ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашаётган мутасаддиларми ёки депутатлар ишлаб чиққан қонунларми?..

Қайтаётиб, туман ҳокими билан учрашиб, бу оила аҳволи хусусида хабар бердик. Туман ҳокими Алишер Салаев зудлик билан ушбу ҳолатни ўрганиб чиқилиши, ота-онасидан айрилган бу болаларни шахсан ўзи оталиққа олишини ва барча зарур ёрдамни беришини айтди. Унинг сўзларидаги самимийлик ва қатъиятти кўриб, тез кунларда норасидаларнинг ҳаётида ижобий ўзгаришлар бўлишига умид қилдик. Ва бу мавзуга яна қайтишни кўнглимга тутиб, манзилимизни қўриб бўлди.

Давлатназар РЎЗМЕТОВ,  
«Жамият» муҳбири

## Оқланмаган ишонч

**1980 йилда Ташкент шахрида туғилган Камол Саидов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)нинг уч нафар дилбанди тақдирига иккинчи маротаба «жиноятчининг фарзанди» деган тағма босилди. Суднинг қора курсисида норасидаларининг кўз ёшини кўриб, айбдорнинг кўнглидан нелар кечгани ўзигагина аён.**

К.Саидов жорий йилнинг 11 февраль кунини ошна-оғайнилари билан чойхонада спиртли ичимлик ичиб, тахми-

нан 20:00 лар атрофида уйига қайтади. Шунда унинг жиянлари ит урштириш учун кетаётганидан хабар топиб, уларга қўшилиб маст ҳолда уйдан чиқиб кетади. Орадан бир соат вақт ўтиб, К.Саидов жамиятга юриш-туриш қоидаларини менсимай, Яккасарой туманидаги Муқимий кўчасида жойлашган кафелардан бирининг автогурароҳида Фарҳод Мансуров билан ўзаро тортишиб қолади. Мезёридан ортиқ ичкилик ичган Камол Саидов ўзини бошқаролмай, арзиманган гап-сўзни деб, жиноят кўчасига қалам қўяди. У чўнтагидаги пичоқ билан Ф.Мансуровга тан жараҳати етказиши ва воқеа жойидан қочиб кет-

тади. К.Саидов жиноятга қўл урганини кеч англаб етди. Маст ҳолда нима қилаётганини ўзи ҳам яхши англаб етмаган жиноятчи айбини яшириш мақсадида Ф.Мансуровга санчиб олган пичоқни сувга ташлаб юборди. Жиянлари билан уйига кириб борган К.Саидов дадаси ва амакисига бўлган воқеани батафсил айтиб беради. Сўнг улар биргалишиб, Ф.Мансуровнинг олдига боради. Ундан кечирим сўраб, даволаниши учун ёрдам беради.

К.Саидов 1999 йилда Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисми «г» бандига асосан 5 йил озодликдан маҳрум қилиниб, жиноят ишлари бўйича Ташкент шаҳар суди томонидан 3 йил синов муддати белгиланган эди. Аммо у берилган ишончини тўла оқлай олмади.


### Суд очерки

Орадан йиллар ўтиб, яна жиноят содир этди. Бу гал у ўз айбига тўла иқрорлиги, пушаймонлиги, жабрланувчининг унга нисбатан ҳеч қандай даъвоийи йўқлиги, уч нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва ўзи яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинининг қафолат хати ҳисобга олиниб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «в» банди билан 300 (уч юз) соат мажбурий жамоат ишлари жазоси тайинланди.

Темур КАСИМОВ,  
Жиноят ишлари бўйича Ташкент шаҳар Яккасарой тумани суди судяси



Соғлиқни сақлаш вазирлиги жазирама кунлари туш пайтида кўчага чиқмасликни тавсия қилди. Куёш нури 12:00 дан 16:00 гача жуда ҳам фаол ҳолатда бўлади.


**XALQ BANKI**

Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси  
27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот  
воситалари ходимлари куну муносабати  
билан соҳа фидойиларини самимий  
муборакбод этади.

*Юртдошларимизни холис ва ҳаққоний ахборот билан  
таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда  
Сизларни куч-гайрат ҳеч қачон тарк этмасин!*

Шунингдек, Халқ банки юртдошларимизга  
Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган  
Кредит карта хизматини  
таклиф этади.

**КРЕДИТ КАРТА**

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)

Йиллик фоиз ставкаси 36%

Имтиёзли даврда фоиз ставкаси 0%

Кредит линияси 5 йил муддатга очик линия

Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998 78) 120-17-70  
(+998 78) 120-17-72

web site: www.xb.uz  
e-mail: info@xb.uz

*Орзулар рўёба  
айланган фурсат!*



www.xb.uz info@xb.uz (0371) 200-00-55

ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
ЎҚИҲ!

АҚШ давлат котиби Майк Помпео Америка «Толибон» муҳолифат  
ҳаракати вакиллари билан келишув имзолаш арафасида турганини  
маълум қилди.

**Б-ҲАВО**

28 июнь	+35°C	+22°C
29 июнь	+35°C	+22°C
30 июнь	+38°C	+25°C
1 июль	+39°C	+26°C
2 июль	+40°C	+25°C
3 июль	+32°C	+21°C
4 июль	+33°C	+21°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

**ЖАМИЯТ**

**Муассислар:**  
Фуқаролик жамияти шакллани-  
шини мониторинг қилиш мустақил  
институтини.  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Давлат бош-  
қаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма  
оммавий ахборот воситалари ва  
ахборот агентликларини қўллаб-  
қувватлаш ва ривожлантириш жамоат  
фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар  
ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-де-  
мократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Эколо-  
гия ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское  
общество — Civil society» журнали.

**Бош муҳаррир**  
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир хайъати:**  
Рустам Комилов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов  
Руфат Нейматов

Газета таҳририятнинг компю-  
тер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-матбаа ак-  
циядорлик компанияси босмахо-  
насида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-614 Адади:  
1897.  
Жума кунини чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2  
босма табак, Баҳоси келишилган  
нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлигида 2006 йил  
0010-рақам билан рўйхатга олин-  
ган.

ISSN 2010-7722

**Навбатчи:** Нуриддин Убайдуллоев

**Дизайнер:** Беғали Эшонқулов

100000, Тошкент шаҳри Матбуот-  
чилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77, 236-10-87,  
233-91-55  
Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ» дан олинган маълум-  
отларда манба сифатида газета  
номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА яқуни:  
Топширилган вақти: 18.45  
1 2 3 4 6